

Канададаги ёшларга Қуръон қироати ўргатилади



09:10 / 25.07.2019 1997

Ушбу курслар ҳар ҳафта «Мифтаҳ-ал Қуръон» номи билан 7-17 ёшдаги ўғил болалар ва 7-12 ёшдаги қизлар учун алоҳида қилиб ўтказилади. Бу ҳақда iqna хабар беради.

Ўқув курсида Қуръонни бемалол ўқиш, арабча ҳарфларни талаффуз қилиш, қироат одоблари ва тажвид қоидалари ўргатилади. Маърузаларни Қуръон мутахассислари Идрис Зубайр ва Зевар Ғози эл Ҳуда институтида нашр этилган дарслик асосида ўқийдилар. Ушбу марказ 2001 йилда Қуръон ва суннатни тарғиб қилиш учун ташкил этилган.

Islom.uz портали таҳририяти